



«АНОР» да ДЎСТЛИК СМЕНАСИ

россиялик 100 нафар болажон ёзги таътилни
юртимиздаги оромгоҳда ўтказмоқда

Маълумки, бундан бир неча ой муқаддам Москвадаги Crocus City Hall концерт мажмуасида содир этилган теракт бутун дунё аҳли эътиборини торган ва унда тинч аҳоли жабрланган эди.

Яқинда мазкур қонли фожиадан жабрланган оилаларнинг бир гуруҳ фарзандлари, аниқроғи, 100 нафар болажон Тошкент

халқаро аэропортида тантанали кутиб олинди. Уларни Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси ҳамда тегишли вазирлик ва идораларнинг масъул мутасаддилари ўзбекона илтифот билан қарши олишди.

Шундан сўнг Ўзбекистон касба уюшмалари Федерациясида меҳмонлар иштирокида учрашув ўтказилди. Федерация раиси

Қудратилла Рафиков ёш меҳмонларга юртимизда болажонларнинг жисмоний, интеллектуал ва маънавий камолотини юксалтириш бўйича кенг қўлмалли ишлар амалга оширилаётгани ҳақида сўзлаб берди. Ўз навбатида, россиялик болалар ҳам ёзги таътилни Ўзбекистонда ўтказишларидан, билдирилган таклифдан беҳад мамнунликларини изҳор эттишди.

– Бизни жуда илиқ кутиб олишди, – дейди 12 ёшли Лев Колчин. – Онам Ўзбекистонга борасанми, деганларида иккиланган эдим. Келишим билан қарорим хато бўлмаганини англадим. Уйлайманки, бу ердаги ёзги таътил мен ва дўстларим учун унутилмас бўлади.

Болажонлар Тошкент вилояти Бўстонлиқ туманидаги сўлим масканлардан бири «Анор» болалар соғломлаштириш оромгоҳига кузатилар экан, уларга спорт либослари ҳамда зарур техник воситалар тақдим этилди.

14 кунлик таътил давомида болалар вақтларини марокли ўтказишлари учун барча шароитлар яратилган. Хусусан, улар турли спорт тўрақларида катнашишади. Турнирлар ўтказилади, таниқли спорт усталари уларга маҳорат дарслари ўтишади. Моҳир кўллар, расм чизиш,

ракс, театр, мусиқа, компьютер клублари, шунингдек, кутубхона уларга хизмат кўрсатади.

Сув тўлқинлари фестивали, комикслар, хорижий ва миллий кинолар ҳамда спектакллар намойиши, «Анор»да бахтли болалик» видео танлови ўтказилиши режалаштирилган.

Самарқанд шаҳридаги тарихий жойлар ва обидаларга қилинадиган экскурсиялар болаларда катта таассурот қолдиради, албатта.

Куни кеча «Анор» болалар соғломлаштириш оромгоҳида дам олиш мавсумининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Мактабгача ва мактаб таълими вазири Хилола Умарова болаларни қутлади.

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси раиси ўринбосари Бахтиёр Маҳмадалиев ва бошқалар болаларга мавсумни марокли ўтказишларини тилади.

Гўзал оқшом кўйинида янграган куй-қўшиқлар дўстлик ва бахтли болаликни тараннум этди. Ушбу мавсум бир овоздан «Дўстлик сменаси» деб номланди.

Россиялик болалар ва уларнинг тарбиячилари меҳмондўстлик ва ҳамкорлик, кўрсатилаётган меҳр учун давлатимиз раҳбари Шавкат

Мирзиёев ҳамда халқимизга ўз миннатдорликларини билдиришди.

– Барча-барчаси учун раҳмат! – дейди Дарья Шевчук. – Мен Ўзбекистондек гўзал диёрга келганимдан беҳад хурсандман. Бу ерда ажойиб дўстлар орттирамиз, деб уйлайман. Ўзбекистонда, жумладан, ушбу оромгоҳда ўтган хар бир куним унутилмас бўлиб қолишига ишонаман.

Тадбирнинг очилиш тантаналарида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Зулайхо Маҳкамova иштирок этди.

Ўз мухбиримиз



ИНСПЕКТОРНИ



НИМАЛАР ҚИЙНАМОҚДА?

Хоналар ёнма-ён бўлгани учун, меҳнат ҳуқуқ инспекторининг бир мурожаатчи билан ўзаро суҳбати қулоғимга чалинди.

– Ахир анча бўлди-ку ҳужжатларимни олганингизга. Нимага ҳалигача суд куни белгиламаяпти? – деди асаблари бироз таранглашган аёл.

– Опа, тушунинг, суд бўлиб ўтадиган кунни мен белгиламайман. Ўзлари айтишади бунди. Мен ҳам худди сиздек кутаятман ўша судни, – деди дона-дона қилиб инспектор.

– Телефонда сўраб турсам ҳам тайинли жавоб айтмайсиз... Марказдан анча узоқда яшайман, биласиз. Менга ҳам осон эмас ҳадеб келиб-кетавериш.

– Овора бўлиб келманг, опа. Ўзим хабар бераман, куни аниқ бўлса.

Шу тарзда суҳбатга яқун ясалди. Хомуш тортиб қолган меҳнат ҳуқуқ инспекторининг ёнига бордим ва нима сабабдан бундай муаммо юзага келганини сўрадим.

– Бир ойда тахминан 10 тадан ошқ мурожаат келиб тушади, – деди Соғлиқни сақлаш ходимлари қасаба уюшмаси Республика кенгашининг Тошкент вилояти меҳнат ҳуқуқ инспектори Муҳаммадjon Рўзметов. – Уларнинг ичида камида 2-3 таси суд орқали ҳал бўладиган масалалар. Ўшанда жамоавий ёки яққа тарзда мурожаат қилганларнинг барча ҳужжатлари йиғилади. Иш берувчига қонунбузилиш ҳолатини бартараф этиш учун мудат белгилаб, тақдимнома ёки кўрсатма хати киритилади. Кейин ҳужжатларнинг ҳар бири электрон тарзда adolat.uz сайтига жойлаштириб чиқилади. Ўша ҳужжатлар суд томонидан батафсил кўриб чиқилгач, суд бўлиб ўтадиган кун белгиланади.

Фуқаролик процессуал кодексининг 192-моддасида «Судья аризани иш юритишга қабул қилиш тўғрисидаги, қабул қилишни рад этиш ёки қайтариш ёхуд судга тааллуқлиликка қўра бошқа судга ўтказиш ҳақидаги масалани ариза судга келиб тушган кундан эътиборан ўн кундан кечиктирмай яққа тартибда ҳал этади», деб белгилаган. Аммо шунга қарамай, аксарият ҳолларда adolat.uz сайтида ҳужжатларнинг қабул қилинганлиги ишораси кўринса-да, суд куни белгиланиш кечиктирилади. Масалан, 29 апрелда бошқа бир иш бўйича барча ҳужжатларни киритгандим. Аммо у кеч қабул қилинганга эътиборан, суд куни ҳам 11 июль кунига белгиланибди. Мана шундай ҳолларда иш юритувимдаги ишлар тақдирини билиш учун қилинган бир неча эътирозли кўнгирикларга тайинли жавоб айтиш мумкин. Турган гапки, бу фуқароларда ўзига яраша асаб бузилиши, ишдан қолиб бу ерга келиш, йўл харажатлари каби сарсонгарчиликларни келтириб чиқаради.

Сайт баъзан қотиб ишлагани учун ҳужжатлар ўз вақтида қабул қилинмаслигини тушуниш мумкин, аммо суд кунининг жуда кеч белгиланишини қандай тушуниш мумкин?

Инспектор компьютерини очиб, ундаги adolat.uz сайти ва иш юритишдаги ҳужжатларни бирма-бир кўрсатди.

Аслида, қасаба уюшмалари тизимида меҳнат-ҳуқуқ ҳамда техник инспекторлари олиб бораётган ишлар кўзга кўринарли натижаларни бераётганлиги маълум. «Ishonch» газетасининг ҳар бир сонига «Қасаба уюшмаси аралашгач» рунки орқали бериб бораётган, ижобий яқун топган ишлар бунга яққол мисол бўла олади.

Биргина Тошкент вилоятининг соғлиқни сақлаш тармоғини оладиган бўлсак, 5 ой давомида 50 га яқин мурожаат қабул қилинган. Меҳнат-ҳуқуқ инспекторининг сай-ҳаракатлари билан 289 нафар фуқарога 787 млн. 942 минг сўм миқдорда ўз вақтида тўланмаган устама, ойлик маошининг кечиктирилиши, нотўғри ҳисобланган таътиллар ва зарарли омиллар учун тўловлар ундириб берилган. Муаммосига ечим излаганларнинг иши ижобий ҳал этилса, мушқули осон бўлса, ишонч янада ортаверади.

Холида ЭГАМБЕРДИЕВА
«ISHONCH»

Айни дамда Ўзбекистонда жами 1348 та меҳмонхона, хостел, уй меҳмонхоналари каби хизмат кўрсатиш объекти фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг 30 фоиздан ортигини аёллар бошқариб келади.

Бу ҳақда Тошкентда ўтказилган «Марказий Осиё аёллари меҳмонхона бизнесида: замонавий талаблар ва истиқболлар» мавзусидаги халқаро конференцияда айтиб ўтилди.

Тадбирда USAID халқаро ташкилоти, Туризм қўмитаси ҳамда қатор халқаро давлат ва нодавлат ташкилотлари вакиллари иштирок этдилар.

«Меҳмонхона бизнеси туризм салоҳияти тобора ривожланиб бораётган минтақамиз учун катта аҳамиятга эга. Бу соҳада аёлларнинг сафи ортиб бораётгани «Тадбиркор аёл» халқаро ишбилармон аёллар ассоциациясига айна йўналишдаги янги лойиҳани амалга оширишга туртки берди.

Ассоциация USAID халқаро ташкилотининг «Тадбиркорлик ва бизнес муҳи-

тини ривожлантириш» лойиҳаси ҳамкорлигида «Меҳмонхона бизнесидаги аёллар: келажак меҳмондўстлик аъналари» лойиҳасини амалга оширди.

– Ўзбекистонда Меҳмондўстлик соҳасида рақамлаштириш шулардан иборат: электрон назорат қилиш тизимлари, буларга Jovi, R-keeper тизимлари киради, виртуал ёрдамчилар, booking каби чат ботлар, меҳмонларни ижтимоий тизимда руйхатга олиш, буларга e-mexmon.uz платформаси киради, – дейди Sky Village меҳмон уйи раҳбари, тадбир иштирокчиси Соҳиба Юнусова. – Маркетинг ва ижтимоий тармоқ бўйича берилган рекламалар ҳамда меҳмонхонага хизмат кўрсатиш бўйича фирмалар, масалан, чойшаб,

ёстик кабиларни тикиш, меҳмонхона учун керакли мебель жиҳозларини тайёрлаш, бугунги кунда ижтимоий тармоқ орқали танлаш ва буюртма бериш мумкин. Бу ҳамманинг вақтини тежайди.

Мазкур лойиҳа меҳмонхона бизнесини бугунги замон талабига мос тарзда бошқариш кўникмаларини ўргатишга қаратилган. Тадбирда эгалланган билимлар иштирокчиларга янги ёндашувлар замонавий менежментга, меҳмонхоналар тизимининг барқарор ривожланишига, унинг фаолияти самарадорлигини оширишга ва янги миҳозларни жалб қилишга ёрдам беради.

Маълум бўлишича, лойиҳа доирасида Самарқанд, Андижон вилоятлари ҳамда

Тошкент шаҳрида 115 нафар хотин-қиз учун 3 кунлик ўқув семинарлари ташкил этилган. Унда меҳмонхона бизнесига алоқадор – хостел, уй меҳмонхоналарида фаолият олиб бораётган ишбилармон аёллар меҳмонхоналарини замонавий бошқариш кўникмаларига ўргатилди.

Шунингдек, конференцияда маҳаллий иштирокчилар қаторида Қирғизистон ҳамда Тожикистон Республикаларининг ҳам шу соҳадаги хотин-қизлари иштирок этди. Бу лойиҳанинг аҳамияти қўшни мамлакат ишбилармон доиралари учун ҳам бирдек долзарб эканини кўрсатади.

Комила БОЙМУРОДОВА
«ISHONCH»



◆ **Халқаро конференция**

АКАДЕМИЯ ЖУРНАЛИСТЛАР НИГОҲИДА

◆ **Пресс-тур**



дан бири, – дейди академия проректори Азим Мирзажонов. – Биласизми, мазкур таълим муассасасини ташкил этиш жараёнида, энг аввало, меҳнат бозори пухта ўрганилди, меҳнат ҳамда ижтимоий муносабатлар соҳасида қандай кадрларга эҳтиёж юқори эканлиги таҳлил этилди. Талабалар амалиёт вақтида ҳудудларидаги қасаба уюшмалари ташкилотларида иш ўрганмоқда. Бугунги кунда Академияда кундузги бўлимнинг 1- ва 2-курсларида

90 ўринга мўлжалланган 6 та компьютер хонаси, 50 ўринга мўлжалланган электрон кутубхона, очик ва ёпиқ спорт мажмуалари, 200 ўринли ошхона талабаларга хизмат кўрсатмоқда.

Пресс-тур давомида ОАВ ходимларида электрон кутубхона, фанлар бўйича лабораториялар, спорт комплекси, ётоқхона ва ошхонадаги имкониятлар катта таассурот қолдирди.

320 ўринли талабалар тураржойи замонавий талабалар асосида бунёд этилган бўлиб, ундаги шарт-шароитлар, хоналарнинг жиҳозланиши уч юлдузли меҳмонхоналар учун белгиланган талабаларга мос равишда амалга оширилган.

Қисқаси, давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан ташкил этилган мазкур академияда меҳнат ва ижтимоий муносабатлар, ишчи-ҳодимларнинг меҳнатга оид ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш борасида салоҳиятли кадрларни тайёрлаш янги босқичга олиб чиқилди.

Феруза РАХИМОВА,
Дийёр ҒАНИЕВ (фото),
«ISHONCH» мухбирлари



◆ **Ёзги соғломлаштириш**

ТЕМИРЙЎЛЧИЛАР ФАРЗАНДЛАРИ ОРОМГОҲЛАРДА

Жорий мавсумда темирйўлчилар ҳамда транспорт қурувчилари ишчи-ҳодимларининг 5 минг нафар фарзанди «Қйрай», «Бурчмулла», «Темирйўлчи», «Янги авлод», «Аловуддин» каби оромгоҳлар ҳамда «Қўнғирот» санаторий-профилакторийида тўрт навбатда соғломлаштирилади.

Дастлаб Қарши минтақавий темирйўл узели филиалига қарашли корхона, ташкилот ва муассасалар ходимларининг 100 нафар фарзанди Яқкабоғ туманида жойлашган «Сирли коинот» оромгоҳида ҳордак чикаришди. Бўстонлик туманида жойлашган «Янги авлод» оромгоҳига 200 нафар болажон келган бўлишса, «Қўнғирот» санаторий-профилакторийи 75 нафар Оролбўйи ҳудудида яшовчи темирйўлчилар фарзандларини ўз бағрига олди. Болажонларни ҳар йилгидек шифокорлар кўриқдан ўтказиб, тарбиячилар қўлига топширдилар. Шу куни Бухоро минтақавий темирйўл узели ишчи-ҳодимларининг 311

нафар фарзанди «Сафеди» оромгоҳидан кўним топишди. 11 июнда Қўнғирот минтақавий темир йўл узели масъуллари билан биргаликда Оролбўйи ҳудудида яшовчи темирйўлчилар фарзандларидан 407 нафари «Қйрай» болалар соғломлаштириш оромгоҳига юборилди.

Эътиборли томони, ушбу жараёнларни Темирйўлчилар ва транспорт қурувчилари қасаба уюшмаси Республика кенгаши ва «Темирйўл ижтимоий хизматлар» муассасасидан бириктирилган масъуллар юқори даражада ташкиллаштиришяпти.

Назокат НУРМАТОВА



ТАДБИРКОР АЁЛЛАР АНЖУМАНИ

Тошкент шаҳрида 115 нафар хотин-қиз учун 3 кунлик ўқув семинарлари ташкил этилган. Унда меҳмонхона бизнесига алоқадор – хостел, уй меҳмонхоналарида фаолият олиб бораётган ишбилармон аёллар меҳмонхоналарини замонавий бошқариш кўникмаларига ўргатилди.

Шунингдек, конференцияда маҳаллий иштирокчилар қаторида Қирғизистон ҳамда Тожикистон Республикаларининг ҳам шу соҳадаги хотин-қизлари иштирок этди. Бу лойиҳанинг аҳамияти қўшни мамлакат ишбилармон доиралари учун ҳам бирдек долзарб эканини кўрсатади.



Жараён

СИФАТЛИ АЪЛИМ - АРАҚЎЙИТ ГАРОВИ



Ғафуржон МУХАМЕДОВ,
Чирчиқ давлат педагогика
университети ректори,
профессор

Кейинги йилларда республикаимиз ижтимоий-иқтисодий соҳаларида кенг қамровли ислохотлар амалга оширилмоқда. Хусусан, таълим, янада аниқроқ айтганда, педагогика соҳасида ҳам.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг 2022 йил 21 июндаги «Педагогик таълим сифатини ошириш ва педагог кадрлар тайёрловчи олий таълим муассасалари фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори педагогик таълимни янги босқичга олиб чиқишда муҳим қадамлардан бири бўлди.

гоҳларни ўрганмаётгани, ҳоким ва вазирлар ўртада кўприк бўлиб, буни ташкиллаштирмаётгани ҳақида жиддий эътирозлар билдирилди.

Очилишни айтганда, давлатимиз раҳбарининг эътирозлари ўринли. Чунки олий таълим муассасалари фундаментал тадқиқотлар ўтказиш билан чеклангани, иқтисодиёт учун амалий ишланмалар жуда камлиги ҳеч кимга сир эмас. Кадрлар тайёрлашда олий таълим муассасалари ҳамда тегишли ташкилот ва корхоналар ўртасида академик мобилликни, ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш муҳим аҳамиятга эга, албатта.

Ушбу вазифаларни амалга оширишда механизм ва кўрсаткичларни ҳамда натижаларни ўзида жамлайдиган аниқ стратегия ишлаб чиқиш зарур.

Чирчиқ давлат педагогика университетида узоқ ва ўрта муддатга мўлжалланган «Университетни педагогик таълим инновацион кластери асосида ривожлантириш» стратегияси ишлаб чиқилган. Чунки «Мукамал стратегия - тараққиёт гарови» ҳисобланади.

Стратегияда мактабгача, мактаб ва мактабдан ташқари таълим муассасаларининг тарбиячиларга, бошланғич синф ўқитувчиларига, айниқса, аниқ фанлар ва чет тиллари бўйича ўқитувчиларга бўлган эҳтиёжларини қондириш, туманлар ва қишлоқ жойларидаги таълим муассасаларини юқори малакали педагог кадрлар билан таъминлаш ҳамда халқаро стандартлар даражасига мос олий маълумотли педагогик кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш, таълим сифатини янада ривожлантириш бўлиб қолган рақамлаштириш технологиялари ёрдамида ривожлантириш кўзда тутилган.

Стратегиянинг шiori «Барчаси шу ердан ва шу ондан бошланади», деб номланади. Бу таълим олиш макон ва вақт танлашнинг аниқлиги белгилади.

Университетнинг узоқ ва ўрта муддатли стратегиясининг асосий устувор вазифалари куйидагилардан иборат:

илгор илмий тадқиқотлар олиб бориш; инновацион экотизимни яратиш; педагогик таълим инновацион кластерини шакллантириш;

юқори малакали ходимлар таъминотини яхшилаш; ахборот инфратузилмасини такомиллаштириш; иқтисодий ва молиявий модель ишлаб чиқиш.

Илгор илмий тадқиқотлар олиб боришдан асосий мақсад - касбий, ижтимоий ва иқтисодий талабларни ҳисобга олган ҳолда, узлуксиз педагогик таълимнинг мазмун ва мақсадини янада янгилашдан иборат.

Университет илмий-тадқиқот фаолиятининг 70 фоизи илмий-тадқиқот марказларида амалга оширилади. Улар университетда ресурсларни жамловчи, магистратура ва докторантура даражасида ўқув дастурларини амалга оширувчи бўлинлар ҳисобланади.

Университетда диагностика, прогнозлаш ва тахлийли тадқиқотлар натижалари асосида юқори кўрсаткичларга эга олимлар раҳбарлигида долзарб муаммоларни ҳал қилувчи янги қўша марказлар ва етакчи хорижий олий ўқув юртилари, илмий ташкилотлар ва юқори технологияли компаниялар билан қўша лабораториялар ташкил этилади.

Узоқ муддатли стратегик режа бўйича 2030 йилга бориб, илмий тадқиқот ва ишланмаларнинг йиллик ҳажми 20 миллиард сўмни, хорижий университет, илмий ташкилот ва компаниялар билан қўша илмий лойиҳалардаги университет улуши камида 50 фоизни ташкил этади.

Университетда инновацион маҳсулотларни бозорга олиб чиқишнинг барча босқичлари қўллаб-қувватланади. Жумладан, университетнинг истиқболли илмий-техник ишланмалари бўйича маркетинг тадқиқотлари, интеллектуал фаолият натижаларининг инновацион потенциалини баҳолаш ва уларни ҳуқуқий ҳимоялаш, чет эл патентларини олиш, илмий-техник маҳсулотларнинг моделлари ва тажриба нусхаларини яратиш ҳамда уларни тижоратлаштириш ривожлантирилади.

Яқин йилларда инновацион фаолиятни қўллаб-қувватлаш ва интеллектуал фаолият натижаларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш орқали ҳар йили 20 дан ортиқ патент ва сертификат олиш кўзда тутилган.

Маълумки, педагогик таълим сифати - аби-

туриентлар сифати (кимлар ўқитилади), таълим дастурлари сифати (нималар ўқитилади), профессор-ўқитувчилар сифати (кимлар ўқитади), таълим технологиялари сифати (қандай ўқитилади), моддий техник таъминот ва лабораториялар базаси сифати (қайси воситалар ёрдамида ўқитилади), ижтимоий-маданий муҳит сифати (қаерда ўқиши) ҳамда иш берувчилар сифати (кимлар учун ўқиши) билан белгиланади. Шундай экан, педагогик таълимни янги босқичга кўтариш, юқори малакали кадрларни тайёрлаш муҳим мотивацион механизмларни ишлаб чиқариш зарур.

Бизнинг университетда бундай механизм сифатида «Педагогик таълим инновацион кластери»ни шакллантириш лозим деб топилган ва бунда масофавий технологиялар асосий ўринни эгаллайди.

Университетда илмий тадқиқот ва таълим узвий ҳолатда олиб борилади. Бу эса илмий саъийат ва соҳа ривожига хизмат қилмоқда, албатта.

Стратегияда университетга юқори мотивацияга эга бўлган абитуриентларни жалб этиш масаласига алоҳида эътибор қаратилади. Бунинг учун таълим даргоҳида иш берувчиларнинг фаол иштироки орқали касбга йўналтириш борасида турли тадбирларни ўз ичига олган «Карьера кўни» мақсади ва давомли амалга оширилади.

Магистратурага кирувчилар сифатини ошириш мақсадида университетда махсус мослашувчан масофавий дастурлар кўзда тутилади. Бундай дастур келгусида олий таълимнинг бакалаврият босқичини республикамиз ва чет эл олий ўқув юртиларида тамомлаган энг яхши битирувчиларини танлаб олиш имконини яратди.

Юқори малакали илмий ходимлар тайёрлашнинг узлуксиз тизимини яратишда қуйидаги мантйиқий узвийлик самарали ҳисобланади: мактаб - лицей (касб-хунар коллежи) - бакалавриятура - магистратура - докторантура.

Урта умумтаълим муассасалари билан ҳамкорликка танлов, тадбир ва олимпиадалар ўтказиш ҳам, касбга йўналтириш ишларини фаол амалга ошириш ҳам яхши натижалар беради. Бу нафақат тадқиқот йўналишларини кенгайтириш, балки илмий-тадқиқотга

лаёқатли, иқтидорли педагог ходимлар, бўлажак магистр ва докторантларни топиш ҳамда уларни қўллаб-қувватлаш тизимини шакллантиришда кўл келади.

Узлуксиз педагогик таълимни ривожлантиришнинг муҳим шarti - мутахассисларни сифатли тайёрлаш учун барча турдаги ресурсларни такомиллаштиришдан иборат. Бу борада, яъни узлуксиз педагогик таълимни ресурслар билан таъминлашнинг такомиллаштириш орқали университетда ахборот инфратузилмаси яратилади.

Узлуксиз педагогик таълимнинг ахборот таъминотини ривожлантириш стратегияси рақамли технологияларга босқичма-босқич ўтиш зарурлигини назарда тутади. Масофавий таълимда рақамли технологиялар имкониятидан янада самарали фойдаланиш мақсада мувофиқдир.

Чирчиқ давлат педагогика университети халқаро даражадаги тадқиқот университетига айлантириш - бош мақсадларимиздан бири. Бу эзгу мақсадни амалга ошириш учун университетда прогноз-аналитик тадқиқотлар асосида таълим ва илмнинг устувор йўналишларини шакллантириш тизими ишлаб чиқилади ва амалиётга жорий этилади.

2030 йилгача университетни халқаро даражага олиб чиқиш вазифасини бажаришда «Халқаро даражадаги педагог» дастури амалга оширилади. Бунда университет фаолиятини илмий кўрсаткичлари юқори бўлган чет эллик ва ўзбекистонлик олимлар жалб этилади. Бунинг учун университетда ИТМ сўровига асосан ишга қабул қилиш ҳизмати яратилади.

Узоқ муддатли шартномалар асосида хориждаги етакчи олий ўқув юртилари ва илмий муассасаларда тажриба орттириш, таниқли олимлар ишга таклиф этилади.

«Университетни педагогик таълим инновацион кластери асосида ривожлантириш» стратегиясида кўзда тутилган бир қатор мақсад ва натижаларга эришиш, албатта, эришмиш. Чунки шундай дейишимизга асос ва ҳаракат бор.

Бугун мамлакатимизда бунёдкорлик шабадаси қириб бормаган ҳудуд қолмади ҳисоб. Бу ҳар тарафлама яхши (иш ўрни яратилади, одамлар уй-жойли бўлади), албатта. Аммо шу ишлар рисоладагидек бўлмаётгани кишини жиддий ҳавотирга солади. Ҳозир нима кўп - қурилиш билан шуғулланувчи хусусий корхона кўп. Лоф бўлса ҳам, агар қоқилиб, йиқилсангиз, бирининг устига тушасиз. Лекин уларнинг ҳаммаси ҳам кўнгилдагидек иш олиб борапти, деб бўлмайди.

Масаланинг оғриқли тарафи ҳам шунда - ҳозирги қурувчиларнинг кўпи бошқа соҳа одамлари. Хуллас, «мўмайгина даромад топаман», дегани борки - тушунса-тушунмаса, қурилиш билан шуғулланмоқда. Бунинг жабрини эса бошқалар тортомқда. Халқимизда «чумчүк сўйса ҳам, кассоб сўйсин», деган ибора бор. Бу гап бежиз айтилмаган.

Яқинда эълон қилинган статистик маълумотларга кўра, мамлакатимиз аҳолисининг 70 фоизга яқин қисми сейсмик фаол ҳудудларда яшайди. Баъзи кўп қаватли бинолар ва минглаб яқка тартибдаги уйлар шу ҳолат ҳисобга олинмай, бу ҳам етмагандек, қурилиш норма ва қоидалари бузилган ҳолда қўйрилган. Ҳавотирлиси, мана шу объектларнинг 70 фоизи зилзилага бардош беролмайди.

Одамни ваҳимага солидиган яна бир гап: соҳа мутахассисларнинг айтишича, охириг ўн йилликда қурилган бинолар мутлақо талабга жавоб бермайди. Улар узоққа бормади - бошқатдан қурилади.

Ҳўш, нега шундай? Янги бинолар шунчалик мўрт экан, нима учун бунга ҳеч ким индамаяпти? Бу ишларнинг охири алаоқибат вой бўлмайди?

Тегишли кунунчиликка кўра, бирининг пойдевори бошланган кундан унинг назорати олиб борилади. Бунга маъсул ташкилотлар бор. Амалда бунинг тексарисини кўриямиз. Кўп ҳолларда қурилиш обдон битандан сўнг номигагина текширилиб, ижобий хулоса берилётган ҳолатлар кўп. Айниқса, бу хусусий компаниялар томонидан қурилатган иншоотлар билан боғлиқ жараён.

Қузатувларда гувоҳ бўлялмиш. Айни хусусий тадбиркорлар томонидан қурилатган биноларнинг назорати жуда суст олиб борилади. Бирор-бир бино обдон битиб, фойдаланишга туштуриш арасида тегишли мутахассислар томонидан шунчалик кўздан кечириляпти, холос. Аниқланган камчиликлар юзасидан қўрилатган чоралар ҳам озма-озин тўшунтириш ёки кўрсатма бериш билан қиёяланаяпти.

Масалан, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги берган маълумотларда келтирилишича, 2023 йилда ҳудудий назорат инспекциялари томонидан жами 36 минг 245 та қурилиш объекти (шундан 13 минг 881 таси давлат дастурлари бўйича, 22 минг 364 таси тадбиркорлик объектлари) қурилиш-монтаж ишлари назоратга олинган ва 35 минг 198 таси рўйхатдан ўтган. Мазкур объектларда жами 111 минг 413 маротаба назорат ишлари амалга оширилган.

Ҳудудий инспекциялар томонидан объектлар қурилишида аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича 78 минг 129 та (шундан, 29 минг 663 та пудратчига, 26

минг 90 та буюртмачига ва 22 минг 376 та лойиҳа ташкилотчисига) ёзма кўрсатмалар берилди. Шундан, жами 63 минг 685 та (24 минг 378 та пудратчига, 21 минг 215 та буюртмачига ва 18 минг 92 та лойиҳа ташкилотчига) ёзма кўрсатма бартараф этилган.



Барчаси Бадастирми?

ёхуд бунёдкорлик соҳасида жиддий назорат ўрнатиш зарурати хусусида

Ёзма кўрсатмаларни белгиланган муддатда ижросини таъминламаган 7 минг 597 нафар (шундан, 2018 та пудратчи, 4575 нафар буюртмачи ва 1004 та лойиҳа ташкилоти) мансабдор шахсга нисбатан маъмурий («Маъмурий жавобгарлик тўғрисида»ги Кодекснинг 99-моддаси бўйича) жавобгарлик белгиланган. Шунингдек, 2 минг 91 та объектда қурилиш-монтаж ишлари тўхташилган. Шундан 616 тасида бузириш ишлари олиб борилган.

2024 йилнинг ўтган даврида ҳудудий назорат инспекциялари томонидан 29 минг 174 та қурилиш объекти (шундан 9 минг 466 таси давлат дастурлари бўйича, 19 минг 708 таси тадбиркорлик объектлари)да қурилиш-монтаж ишлари назоратга олинган ва 26 минг 310 таси рўйхатдан ўтган. Аниқланган камчиликлар юзасидан 40 минг 933 та (шундан, 14 минг 238 нафар пудратчига, 15 минг 316 нафар буюртмачига ва 11 минг 379 нафар лойиҳа ташкилотчисига) ёзма кўрсатма берилди. 3 минг 531 нафар (шундан 1 минг 122 нафар пудратчи, 1 минг 945 нафари буюртмачи ва 464 нафари лойиҳа ташкилотчиси) мансабдор шахсга нисбатан маъмурий жавобгарлик тайинланган.

Бу маълумотлардан маълум бўляптики, юқоридagi ҳавотирларда жон бор. Демак, ҳар қандай қурилишни пойдевори бошланган кундан бошлаб, жиддий назорат қилиш лозим. Токи иншоот пойдеворидан тортиб, том қисмигача мустаҳкам бўлсин.

Яқинда (17.04.2024) «Бино ва иншоотларнинг зилзилабардошлигини ошириш ҳамда сейсмик хавфини мониторинг қилиш фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Президент қарори эълон қилинди. Унда

қуйидагилар белгиланди: 2024 йил 1 июндан МСК-64 шкаласи бўйича 8 ва ундан юқори баллик сейсмик фаол зоналарда янги қурилиш режалаштирилатган 5 қаватдан юқори тиббиёт объектлари ҳамда 9 қаватдан юқори биноларни актив сейсмик ҳимоялаш қурилмаси, шу жумладан, сейсмоизоляция ва демпфер ускуналари билан лойиҳалаш амалиёти йўлга қўйилди.

2024 йил 1 июндан янги қурилиш режалаштирилатган хавфлилик омили III-IV тоифа бўлган объектларга

лаҳа бино ва иншоотларнинг юк кўтарувчи конструкцияларини автоматик мониторинг қилиш ускунасини ўрнатиш мажбурий равишда белгиланади.

2024 йил 1 июлгача республиканинг барча туман ва шаҳарлари ҳудудлари кесимида минтақавий аселерограммалар рақамлаштирилади ҳамда уларнинг онлайн базалари шакллантирилади.

2024 йил 1 августдан хавфлилик омили III-IV тоифа бўлган объектларни ҳудуднинг зилзилалар кучини кўрсатиб берувчи минтақавий аселерограммалар базаларидан келиб чиқиб лойиҳалаш ва қуриш тартиби жорий этилади.

2024 йил 1 июндан янги қурилиш режалаштирилатган хавфлилик омили III-IV тоифа бўлган объектларга газ ва электр тармоқларини қучли зилзила пайтида автоматик блоклаш тизими билан лойиҳалаш тартиби жорий этилади.

2024 йил 1 июлгача техник ҳолати қоникорсиз, деб топилган мавжуд бино ва иншоотларни «компенсацион инъекция технологияси орқали мустаҳкамлаш ва деформацияни олдинги ҳолатига қайтариш» услуби орқали қайта тиклаш ишлари тажриба тарихида амалга оширилади.

2024 йил 1 майдан зилзила хавфи ва прогнозига оид ҳулосаларни ҳар ойда жойлардаги ҳокимликларга қиритиш амалиёти йўлга қўйилади. Зилзила муҳандислиги олимлари ассоциацияси ташкил этилади.

Балки вазият энди ўзгарар. Ҳар ҳолда, қарордаги талаблар амалда ўз ифодасини топса, қурилиш соҳасида жиддий ислохотлар юз беришига ишонч бор.

Мулоҳаза



Ғулумжон МИРАХМЕДОВ «ISHONCH»

Ички туризм

«Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси Навоий филиали ҳамда қасаба уюшма кўмитаси шахар ва туман телекоммуникация боғламати ходимлари учун Бухоро вилоятидаги зиёратгоҳларга саёҳат уюштирди.

Шариф шахар таассуротлари

Ушбу ташаббус ходимларнинг маънавий қадриятлари ва маданий даражасини мустаҳкамлаш, шунингдек, уларнинг жамоавий ҳамжиҳатлигини оширишга қаратилган.

Саёҳат иштирокчилари Баҳоуддин Накшбанд макбараси, Поини Калон мажмуаси, Исмоил Сомони макбараси каби бир қатор муҳим тарихий маконларни зиёрат қилишти. Ушбу маданий аҳамиятга эга маконлар ходимларга ҳудуднинг тарихий меросини чуқурроқ англаш, маданий анъаналари билан алоқаларини мустаҳкамлаш имконини берди.

Ташкилотчилар таъкидлаганидек, бундай тадбирлар нафақат ходимларнинг маънавий бойлигини, балки жамоавий ҳамжиҳатлигини мустаҳкамлашга, янада самарали меҳнат қилишлари учун қулай муҳит яратишга ҳам хизмат қилади.

Саёҳат давомида иштирокчилар таассуротлар билан ўртоқлашиш ва жамоа руҳини мустаҳкамлаш имкониятига эга бўлишти, бу эса уларнинг касбий фаолиятига ижобий таъсир кўрсатади.

«O'zbektelekom» акциядорлик компанияси ахборот хизмати

Эълонлар

Янгиёул туманидаги «PRIME COMMERCIA» масъулияти чекланган жамиятининг думалок муҳри йўқолганлиги сабабли бекор қилинди.

Янгиёул туманидаги Яқка тартибдаги тадбиркор «GULAMOVA KUNDUZ RAKSIBAYEVNA» номига берилган думалок муҳри йўқолганлиги сабабли бекор қилинди.

Куйи Чирчиқ туманидаги «FORTUNA ISHONCH PLYUS» масъулияти чекланган жамиятининг думалок муҳри йўқолганлиги сабабли бекор қилинди.

«Invest Finance Bank» АЖ Зангиота филиали банк балансида бўлган, Тошкент вилояти Тошкент тумани «Халимқўп» МФЙ Зиёкор кўчасида жойлашган 11-ўйини сотиб олиш маълум қилади.

Талабдорлар маъмур кўчасида мулкнинг сотиб олиш учун Тошкент вилояти Зангиота тумани Мустақиллик кўчаси 2-уйда жойлашган «Invest Finance Bank» АЖ Зангиота филиалига (тел: (977)24-91-92, (70)975-29-71) муурожаат қилишлари мумкин.



Аланьяда «гул – кўп, чаман – кўп»...

Saёхатнома

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев Туркия Республикаси Президентини Режеп Таййип Эрдоғаннинг таклифига биноан шу йил 6-7 июнь кунлари расмий ташриф билан Туркияда бўлди. Ташриф доирасида 19 та муҳим ҳужжат имзоланди. Алқисса, мамлакатларимиз ўртасидаги стратегик ҳамкорликнинг янги босқичи бошланди.

Умуман олганда охириги беш йилда Туркия Ўзбекистоннинг асосий ҳамкор давлатлари тўртлигидан жой олди. Ўзаро савдо ҳажми 1,5 қўшма корхоналар сони 2, Ўзбекистон иқтисодиётига турк инвестициялари ҳажми 2,5 баробарга ошди. Ташриф доирасида ўтказилган Стратегик ҳамкорлик кенгашининг учинчи йиғилишида икки давлат раҳбари имзолаган Кенг қамровли стратегик шерикликни чуқурлаштириши тўғрисидаги қўшма декларацияда яқин келажақда ўзаро савдо ҳажмини 5 миллиард долларга етказиш мақсад қилинган.

Энг муҳими, бу қардош халқларнинг ўзаро борди-келдисиди янада кучайди. Икки давлатнинг йирик шаҳарлари ўртасида ҳафтаສага 90 та парвоз амалга оширилади бошланди. Туркиядан келаётган туристлар оқими 3 баробарга кўпайди. Биздан Туркияга саёхат қилаётганлар сони ҳам йил сайин ошиб бораётди.



Дарвоқе, ёз фаслида ҳамюртларимиз кўпроқ Антاليا или (вилояти)га дам олишга боришади. Аланья – Анталиянинг энг гўзал илча (муамаллари)дан бири. Биз таъниқли публицист Султонмурод ОЛИМнинг Аланья сафари асосида битган саёхатномасини эътиборингизга ҳавола этишни лозим топдик.

АЛОУДДИН КАЙКУБОД ЗАБТ ЭТГАН МАКОН
Ланьяда эраимиздан олдинги асрларда ҳам юксак тараққиёт бўлган. Айниқса, ўша пайтлар кирғоқ бўйидаги тоғчада қармоқ этилган Қизилқалъа денгиз ҳужумларидан химоя қилувчи харсанг тошлардан қурилган баланд деворлар билан ўраб олинган арк ҳисобланади.

Қадим замонда бу ерда юнонлар яшаган. Салжувийлар Онадўлини, яъни ҳозирги Туркиянинг Осиё қитъасидаги асосий қисмини эгаллаб, дастлаб Күнени пойтахт қилишган. Аммо улар муттасил равишда ўз давлатлари ҳудудларини кенгайтириб боришган. Айнан Алоуддин Кайкувод (1192 – 1237) ҳукмронлиги даврида Аланья ҳам ишғол этилган. Шунда ҳукмдор бу ерни ўзининг номи билан «Алоуддиния» деб аташни буюрган. Тўққиз аср мобайнида бу бўлж қисқариб-қисқариб, «Аланья» тарзида талаффуз этилган бўлиб кетган. Аланьядаги юнонларнинг бир қисми бу ерни тарқ этган, кўпчилиги эса асрлар мобайнида ассимиляцияга учраб, тўлиқ туркка айланиб улгурган. Ҳозир бу ерда ҳеч қим: «Мен юнондан туркка айланган вақилман», деб айта олмайди. Чунки буни ўзи ҳам аниқ билмайди.

Биз 2019 йили ҳам Аланьяда дам олган эдик. Ўшанда Қизилқалъанинг шарқ тарафидаги меҳмонхоналардан бирига жойлашдик. 2022 йили Қизилқалъанинг ғарб томонида кўндик.

Бир қуни кечаси кирғоқ бўйлаб саёхат қилаётиб, Алоуддин Кайкуводнинг отта миғиб турган ҳайкали ўрнатилган майдондан чиқиб қолдик. Унга яқин ерда тарихий тўрт давлатлари байроқлари ўрнатилган майдон ҳам бор экан. Хар қандай Ўзбекистонлик бу ерга келса, қалбида фахр-ифтихор ҳиссини туймай, иложи йўқ. Чунки, ахир, Ватанимиздан 3,5 – 4 минг километр наридаги бир мамлакатда хоразмшохлар, қораконийлар, ғазнавийлар, темирийлар, бобурийлар байроқлари ҳиллаб турибди-да!

Тарихимизда темирийлар даври қандай муҳим ўрин тугишини ҳаммамиз яхши биламиз. Чунки шу даврда *Ватанимиз Ер юзининг маданий марказига айланган эди*, деб баралла айта оламиз. Ёки муғул боққинидан олдинги қораконийлар даврини олайлик. Бухоройи шарифнинг фахри ҳисобланган Пойи калондаги Масжиди калон ҳам, Минорайи калон ҳам, «келинчак минора» деб таърифланган Вобкент минораси ҳам, Вобкент туманининг Харобди қишлоғидаги Чашмига Аноб ёдгорлиги ҳам, Навоий вилоятидаги бизгача дарвонастига сақланган қолган Работи маил қарвонаси, унинг ёнидаги сардоба ҳам айнан шу туркий сулола ҳукмронлиги даврида бўниб этилган. Бобурийлар қурдиран Тоғмаҳалани-ку, таърифлаб ўтирмасам ҳам бўлади.

Ўзга давлатда ўз юртингиз вобасталик кўрсанг, қувонмаслигининг ҳеч имкони йўқ.

ГУЛЛАР ШАХАРЧАСИ
Хазрат Алишер Навоий бир шеърларида: «*Бу бог ичра гул – кўп, чаман – кўп*», деб ёзганлар. Туркияда шу сатрни қайта-қайта асладик.

Бизда Наманган гуллар шаҳри бўлгани каби, Туркияда Испарта ҳам гуллар шаҳри саналади. Анталиядан Анкарага борадиган автобус Испартада тўхтаб ўтаркан, кўчалар ва йўлақлардаги гулларни кўриб, бунга амин бўласиз. Испарта – Намангандаги Гуллар фестивалининг ҳам фаол иштирокчиларидан бири.

Аммо гуллар борасида Анталиянинг Аланьяси ҳам Испартадан асло қолишмайди. Бу маконда гулларнинг бизда учрамайди-ган турларини ҳам кўриш мумкин. Бир хил гуллар пальма даракларига чирмашиб кетган. Гул хар қандай кишининг кайфиятини кўтарди.

Эсдан чиқармаслик керакки, гулларнинг бундай чаман бўлиб туриши замирида ақл, меҳнат, яъни тизимли парвариш бор.

ЗАРАРКУНАНДАЛАРГА ҚАРШИ КУРАШ
Бухорининг Вобкент туманидаги сўлим Киргизон қишлоғида туғилб ўсганман. Ота ҳовлимиз – 40 сотихлик. Томоркамизда мева, सबзавот ва полизинг кўп тури етиштирилар эди. Мендан икки ёш катта акама анос, ток ва дараклар, каминга эса помидор, бодринг, қулпнай, булғор қалампирни, сабзи, пиёз парвариши топширилган эди. Буларни шевамизда «майдабўча» дейишади. Зарафшоннинг заррин суви шарофати билан бир ҳосиллар унар эдики, асти қўяверасиз. Ҳозир кенжа укамиз Мирзажамшидхон ҳовлимизни боққа айлантириб, гуллатиб-яшнапти келяптилар.

Лекин, мана, Тошкентда неча йиллардан бери помидор айтгандай ҳосил бермапти. Бир сидра пишади, кейин кўрагига қурт тушади, тамом, қирий бошлади. Бир агрономдан сабабини сўрадим. «*Шўро даврида қишлоқларда пахта далалари, ариқ бўйларидеи тутлар тинчимсиз трактор билан дорилаб турилган. Шу тариқа зараркунанда ҳашаротлар барҳам топган. Томорқалар колхоз даласига туташ бўлгани учун бу дорилашларнинг фой-*

даси тегиб турган. Ҳозирги пайтда Тошкент шаҳрида бундай зараркунандалар тоза ин қўрган. Сиз дорилашларнинг билан қўш-нингизниқидан учиб келаверади-да. Уларга қарши ётпасига қура-шиш керак», деди. Бошқа биров эса помидор уруғларини хориждан олиш лозимлигини, унга ўша, ўзлари ишлаб чиққан илмий технология асосида дори-дармон берилмаса, касаллашти туриган гаплигини айтди.

Аланьяда соат 23 дан кейин тракторлар шаҳарча кўчаларини бир бошдан дорилаб чиқаётганини ҳар кеча кўрдим. Ўсимликларини, биринчи навбатда, гуллари зараркунандалардан химоя-лаш зарур-ку.

Кейин худди шундай дорилашни Анкара шаҳрида ҳам кузат-дим.

ЎРГАНАДИГАН ТОМОНЛАРИМИЗ

Мен Сергелининг «Қурувчи» мавзесида яшайман. У ерда пахта толасини экспорт қиладиган база мавжуд. Кўзим билан кўрганни айтий: Туркия юк машиналари ип калава олиб кетиш учун кечаю кундуз навбатда туради. Биз пахта толасини сотишдан ип калава сотишга ўтганимизга хурсандимиз, албатта. Лекин пахта ип етиштириб, ип калавага айлантириш – энг қийин жараён. Афсуски, пахтадан келадиган асосий даромад шундан кейин бошланади. Ип калавадан газмол, газмолдан эса тайёр махсулот чиқарилади-да. Бозорнинг аччиқдан-аччиқ қон-қонидаси шуки, ҳомашё сотган ҳеч қачон боймайди. Ип калава ҳам ярим ҳомашё-да.

Туркия енгил саноати шу қадар тараққий этганки, ҳаёлимда аетроф араб мамлакатлари, собиқ Иттифок ҳудудлари, ҳатто Европа мамлакатлари ҳам товарларини экспорт қилади. Биз бу мамлакат билан ҳамкорлик орқали кўп нарсаларни ўрганишимиз мумкин. Жумладан, енгил саноатни ҳадди аълосида тараққий этти-ришни ҳам.

ЎЙЛЛАР ҚОЛИБ, ҚУЁВЛАР БОЙИБ КЕТСА-Я!
Бу дунёда ҳеч бир нарсаларга баҳо беришга шошимаслик керак экан. «*Яхши бўлди-да*», деган нарсанингнинг оқибати – ёмон, «*Ёмон бўлди-да*», деган нарсанингнинг оқибати яхши бўлиб чиқши ҳеч гап эмас. Шунинг учун донийманлар хар нарсага: «*Ҳаммаси – яхшиликка!*» дейишган. «*Жўжани қузда санай-миз*», деган мақол ҳам беқорга тўқилмаган.

Антالياда, жумладан, Аланьяда ўтган асрнинг 80-йиллари бошларига, асосан, кўчманчи қорвалорлар яшаган. Қишда денгиздан юқорида қолган булоқлар бошларида шаклланган қиш-лоқларда истикомат қилишган. Ота мероси тақсимланганда одатда ўша денгиздан узокроқ қишлоқдаги унумдор ерлар ўғил-ларга, денгиз бўйидаги, асосан, ҳайвон боқишга мўлжалланган майдонлар эса қизларга тегаар экан.

Мамлакат Бош вазири бўлган Тургут Ўзол 1984 йилдан бу ху-дудда туризмни ривожлантириш бўйича жадал ислохот бошлаган. Шунда денгиз бўйидаги шу пайтгача ўта арзон ҳисобланиб келган ерлар тилло наҳрига айланибди-ку. Табиийки, шу тариқа ўйиллар қолиб, қуёвлар бойиб кетган экан ўшанда.

Қирғоқ бўйлаб шундай бир шаҳарчалар барпо этилганки, рости, унча-мунча мамлакат пойтахти ҳам бу ободонликка ҳавас қилса, арзийди.

ЭКОЛОГИК «ХАЙРИЯ»

Европалар аксар давлатларида уй ҳайвонлари, айниқса, ит ва мушукларга меҳр кўрсатиш экологик маданиятнинг юксак намунаси ҳисобланади. Туркияда ҳам шундай. Кўча-кўйда бу ҳайвонларни кўриб қолишса, бўлди, кўплар кучоқлаб, ўпади, ҳеч бўлмаганда, бошини силаб қўяди.

Пибёлар йўлакчасидаги магазинлар олдида улар учун махсус оватлар солиб қўйилган идишларга қўзингиз тушади. Дўкондор-лар бундан хайриядек амалга оширишни йўлга қўйишган.

Ундан ҳам қизикроғи шундан иборатки, йўлақларга ит ва мушукларга оват берадиган аппаратлар ўрнатилган. Утиб кетаёт-ганлар унга бир лира ташласа, автомат пастда турган идишга ит ва мушуклар учун махсус оват тўқади. Дайди ит ва мушуклар ке-либ, еб кетаверади.

Худди гадойда пул бермай ўтишни одамлар ўзига нуқолай сез-гандек, бу ерда ҳам кўплар йўл-йўлақай шу автоматга бир лира ташлаб кетаверади. Ит ва мушуклар ҳам анойи эмас. Дарҳол пайдо бўлишади. Чунки қаерларда текин оват борлигини яхши билишади-да.

Кўчаларда итлар ўта ювощ, очиги, қарахт. Шаҳарнинг энг гавжум қўчасида ҳам ўзига муносиб жойни топиб олиб, ётгани-ёт-ган. Улар ҳеч қимга эён етказмайди, уларга ҳам ҳеч қим ҳалақат қилмайди. Қарақтлларига сабаб эса – ҳаммаси ваҳшийлигини ка-майтирадиган дори билан эмланган. Бунки қулоғиди махсус ҳалқадан билиб оласиз.

ТУРКИЯНИНГ ТАШРИФ ҚОҒОЗИ

ЕХУД ТИЛ - ДИЛ КАЛИТИ
Рус тилидаги «*визитная карточка*»ни «*ташриф қоғози*» деб таржима қилганмиз. Ўзбекистон фуқаролари Туркияга виза-сиз бориб, уч ойгача яшага ҳақли. Аммо бу мамлакатга ка-дам қўйган хар қандай хорижликдан биргина нарсаси – турк тилини билиш талаб қилинади! Туркча сўзласангиз, бўлди, ҳеч қим сиз-дан иркингиз, динингиз, миллатингиз, мамлакатингизни сўраб ўтирмайди. Чунки бу ўлкада бошқа ҳеч бир тил «йишаламайди».

Дунёда бир тил «ҳукмрон» бўлган саноқлигина мамлакат бор. Масалан, Япония орол мамлакат бўлгани учун фақат японлар-гина яшайдиган маконга айланиб қолган. Корея ярим оролидаги Жанубий Корея ҳамда Корея Демократик Республикасида ҳам шунга ўхшаш ҳол юз берган.

Ўзбекистонимизда азалдан кўптиллик ҳукм сурган. Юрти-мизда туркий тилдан ташқари, форсий ва арабий тилда ҳам кўп илмий-адабий мерос яратилган. Мамлакатимиздаги маданий ёд-горликлардаги битиклар ҳам ўзбек, тожик ва араб тилида. Чор Россияя боққиндан кейин юртимизга рус тили кириб келди. Шўро даврида рус тилининг мавқеи ошгандан ошиб борди. Шу да-ражага етдикки, она тилини мутлақо билмайдиган ўзбекларимиз

тоифаси ҳам пайдо бўлди. Таъна деб тушунмасангиз, бир аччиқ ҳақиқатни айтман. Бутун ҳаёт-мамоти ўзбек тили билан бево-сита боғлиқ бўлган халқ шоирлари, халқ ёзувчилари, халқ артист-лари, академикларнинг ҳам аксар фарзандлари рус тилида таъ-лим олди. Ҳозирги машҳур шоир, ёзувчи, артист, академиклар-нинг бир қисми ҳам болаларини рус мактабига бераётганига нима дейсиз?!

Мана, мустақил бўлганимизга 33 йил тўлапти ҳамки, рус тил-нинг салбий таъсиридан қутулиб улгурмаямиз. Ёқилги қўйиш шохобчасини «заправка» демасангиз, биров тушунмайдиган да-ражада. Шохобчага кириб, ўзбек тилида: «*Тўдириб қуясиз-да, ука*», десангиз, башарангизга бақрайиб бир қарайди-да: «*По-лоний бакми, дода?*» деб сўрайди. Такси ҳайдовчисига: «*Хўе ановеи ердан қайрилиб оламиз*», десангиз, тушунмайди. «*Разворот қила-мизми, ҳожки ака?*» деб сўраб, аниқлаштиришга тушади. Ёқи Тош-кентда метро ишга тушган 1977 йилдан, яъни 46 йилдан буён «*бе-кат*» сўзини такрорлайвериб, одамларнинг қулоғига қўрғошиндай қуйиб келамиз. Лекин автобус ҳайдовчисига то «*остановка*» демасангиз, тушунмайди-да ва ҳокказо ва ҳокказо...

Туркияда битта тил ҳукмрон. Одамлар бир тушунганин бошқа тилдаги вариантини мутлақо билмайди. Бу ерда юрган африкалик занги ҳам туркчини ўрганиб, бийонийдек сўзлашяпти. Чунки мамла-катда: «*Тек миллат, тек давлат, тек байроқ!*» деган ширгорга амал қилинади. «*Тек*» дегани биздаги «*ягона*» сўзига тўғри келади.

ЛЕКИН...

Антالياга, асосан, Россия ва собиқ Иттифок ҳудудидаги янги давлатлардан саёхатчилар келишади. Шунинг учун бу вилоятнинг дам олиш зоналарида табиий равишда рус тили-даги ёзувлар пайдо бўлган. Меҳмонхоналарда ҳам, албатта, рус тилини биладиган ходим бўлади. Масалан, бизни ҳам «Клеоратра ADA BACH» меҳмонхонасида айнан Ўзбекистонимиздан борган ходима қутиб олиб, ҳужжатларимизни расмиёлаштирди.

Айтганча, Анкарада бир йирик савдо марказида 15 дақиқа-дан кейин ёпилиши аввал турк, кейин араб тилида эълон қилинди. Иқтисодий манфаатлар тил сибёсига таъсир қилиши ҳам мум-кинлигини шунда кўрдим. Чунки Анкарада Суриядан келган қо-чоклар анчагина.

БИНОЛАР, БИНОЛАР...

Анталиядан Анкарага автобусда бордик. Бу йўналишда темир йўл йўқ. Чунки тоғли худуд бўлгани учун темир йўл ўтказиш жуда қийин. Томоша қилиб кетдик. Кета-кетгунча иморат, иморат, иморат. Ҳаммаси нисбатан янги. Таъмирланган. Кўзни кувнатиди. Шалвирганини кўрмайсиз. Беҳлибейр:

*Турлар лол қолдириб бутун дунёни,
Қачон қурди экан бунча бинони?*

деб юборингиз келади. Анкара автовокзалида бизни қутиб ол-ган журналист укамиз Аҳмед Ақалинга шу саволини бердим ҳам.

– Сизлар йўл-йўлақай қўриб келган шаҳар шаҳарчаларнинг аксарияти 1984 йилдан кейин бўниб этилган. Ўшанда Бош ва-зир Тургут Ўзал мамлакатда туризмни ривожлантириш ғоясини кўтарган эди, – деди.

ИСТИҚБОЛИМИЗ

Хуллас, бу ерда, бир ўзбек мақолида айтилганидек, сайёх-нинг «ошагини сугориб, пулини олишади».

Жонажон Ўзбекистонимизни ҳам ана шундай буюк сайё-ҳлик келажоғи кутиб турибди. Ахир, дунёнинг ҳамма ерида ҳам биздаги Кўш йўқ-ку. Ширмоқ халки ёзда ўз юртида анқонинг уруғи бўлган айнан ана шу иссиққа интилади.

Аммо, аввало, миллион-миллион сайёҳни қабул қилиш учун за-монавий талабларга хар тарафлама жавоб берадиган шароит яра-тиш, уйлар, меҳмонхона, кафе, рестороанлар, йўллари йўлақлар барпо этиш, қолаверса, бунча одамни кўнғилдагидек боқиш учун қишлоқ хўжалигини ҳам юксак даражада тараққий эттириб, озиқ-овкат маҳсулотларини қайта ишлайдиган кеңг тармоқли саноат тизимини шакллантириш, энг муҳими, туризм бозорини дадиллик билан эгаллай бориш керак.

БАҒРИКЕНГЛИК

Бирон-бир мамлакатда туризм равақ топиши учун, аввало, халқда бағрикенглик юзага келиши керак. Бу фикрни тўла тасаввур қилишингиз учун бир манзарани баён этаман. Аланья кирғоқларида исломий тарзда ёпинган аёллар тамоман чўмилиш кийимларида келган сайёҳларга ҳам ширин муомала қи-либ, хизмат кўрсатиши лозим. Аксар меҳмонхоналар ҳовлисида ҳам чўмилиш ховузи мавжуд. Дам олувчилар сувдан чиқиб, шу кийимларида ховуз атрофида ташкил этиб қўйилган нукталардан турли ичимликлар олиб, ичаверади.

Меҳмонхонага кирган кўнингиз қўлингизга бир тасмача тақиб қўйилиб, чиқиб кетаётган маҳалингиз у кесиб ташланади. Ўша «*ташриф қоғози*» ҳисобланади. Чунки хар бир меҳмонхона тас-маси алоҳида ранг ва шаклга эга. Денгизга бориладиган ўша қў-лингиздаги тасмачага қараб, ўзингиз яшаётган меҳмонхонага ажратилган худудга чўмилиш. Меҳмонхонага қираётганин-гизда ҳам сиздан ҳужжат сўраб ўтирилмайди. Аммо шу меҳмонхона-нинг ҳам икки хил тасмачаси бор: қизил тасма таққанларга хо-вуз бўйида текинга спиртли ичимликлар берилмайди, сариқ тас-ма таққанлар эса хоҳлаганча спиртли ичимлик олиб, истеъмол қилишлари мумкин. Чунки сариқ тасмача таққанлардан олдин-дан спиртли ичимликлар қақи олинган бўлади-да.

Сиртли ичимликлар қўйиб бераётган ходимнинг ўзи намоз-хон бўлиши, ҳатто бу вазифада исломий тарзда ёпинган аёл ишла-ётган бўлиши ҳам мумкин.

«Демократия» дегани шу: хар ким ўз хоҳиши, эътиқоди, ҳаёт тарзи билан яшайверади.

Султонмурод ОЛИМ,
Ўзбекистонда хизмат қўрсатган маданият ходими

MYACCS:
O'zbekiston kasaba uyushmalar Federatsiyasi

ISSN 2010-0002
2007-йил
11-январда
O'zbekiston
Mabnat va sanoat
agentligida 116-raqam
bilan ro'yxatga olingan.

- «Ishonch» va «Ishonch-Доверие» gazetaları tahrir hay'ati:
- Qudratilla RAFIQOV** (tahrir hay'ati raisi),
Ulug'bek JALMENOVI,
Anvar ABDUMUXTOROV,
Sayfullo AHMEDOV,
Akmal SAIDOV,
Ravshan BEDILOV,
Qutimurot SOBIROV,
Suhrob RAFIQOV,
Shoqosim SHOISLOMOV,
Hamidulla PIRIMQULOV,
Nodira G'OIYIBNAZAROVA,
Anvar QULMURODOV
(Bosh muharrirning birinchi o'rinbosari).
- Mehrididdin SHUKUROV** (Mas'ul kotib – «Ishonch»),
Valentina MARSENYAK (Mas'ul kotib – «Ishonch-Доверие»)
- Bosh muharrir
Husan ERHATOV
- Bo'limlar:**
Kasaba uyushmalar hayoti – (71) 256-64-69
Huquq va xalqaro hayot – (71) 256-52-89
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport – (71) 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash – (71) 256-85-43
Marketing va obuna – (71) 256-87-73

- Hududlardagi muxbirlar:**
Qoraqalpog'iston Respublikasi – (+998-99) 889-98-20
Andijon viloyati – (+998-99) 889-90-23
Buxoro viloyati – (+998-99) 889-90-31
Jizzax viloyati – (+998-99) 889-90-34
Namangan viloyati – (+998-99) 889-98-02
Samarqand viloyati – (+998-99) 889-90-26
Sirdaryo viloyati – (+998-99) 889-98-55
Surxondaryo viloyati – (+998-99) 379-19-70
Toshkent viloyati – (+998-99) 600-40-44
Farg'ona viloyati – (+998-99) 889-90-24
Xorazm viloyati – (+998-99) 889-90-01
Qashqadaryo viloyati – (+998-99) 889-90-27
- «Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda mabta sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart.
Muallifning fikri tarafdin nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

Navbatchi muharrir:
S. Abdurahmonov

Musahhilar:
D. Xudoyberganova,
D. Ravshanova

Sahifalovchi:
H. Abdujalilov

Bosishga topshirish vaqti – 23:50
Topshirilil – 00:20

Bahosi kiritilgan narxda

Manzilimiz:
100165, Toshkent shahri,
Buxoro ko'chasi, 24-uy.
E-mail: ishonchi1991@yandex.uz

Gazeta haftaning senbanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi.

Nashr ko'rsatkichi: **133**

Umumiy adadi 35 129 ta
Shundan:
7 394 nusxasi
«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasi – Toshkent shahri, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uyda;
19 249 nusxasi
«Erudit» MCHJ bosmaxonasi – Samarqand shahri, Spitalmen ko'chasi, 270-uyda;
8 486 nusxasi
«Poligraf-Press» MCHJ bosmaxonasi – Marg'ilon shahri, Turkiston ko'chasi, 236-«B» uyda
chop etildi.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.
Buyurtma G-611
1 2 3 4 5 6